Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ №60 (7801). ● 27 март, 1982 йил ◆ ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг бешинчи сессияси 1982 йил 27 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

— КПСС XXVI съезди қарорлари асосида республика аҳолисининг турмуш маданиятини янада ошириш тўғрисида.

— Ўзбекистон ССР Олий Совети саноат доимий комиссиясининг иши тўғрисида.

— Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1982 йил, 25 март

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ПАРТИЯ БИЗНИ МЕҲНАТ ВА ЖАСОРАТГА ЧОРЛАМОҚДА!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг

РЕСПУБЛИКА ИШЧИЛАРИГА, КОЛХОЗЧИЛАРИГА, ЗИЁЛИЛАРИГА, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, КОММУНИСТЛАР ВА КОМСОМОЛЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Ҳурматли ўртоқлар!

Азиз дўстлар!

Шу серқуёш, қувончли баҳор кунлари Совет Ўзбекистони солномасида унутилмас саҳифа бўлиб қолади. Ўзбекистон ССР халқлари кўп миллатли оиласи ўнинчи беш йилликда эришган коллектив меҳнат жасорати учун республикага топширилган Ватаннинг олий мукофоти — Ленин орденини ҳар биримиз ҳаққоний ифтиҳор ва Ленин партияси билан Совет ҳукуматига астойдил миннатдорчилик туйғуси билан қабул этдик.

Республика ўзининг бешинчи орденини ССР Иттифоқининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда олганлиги, бу иттифоқ халқларининг қудратли қардошлиги — бунёдкорлик кучимизнинг манбаи эканлиги байрамимизни тағин ҳам тантанали тус олдирди. Бу мукофотни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, улуғ Ленин ишининг муносиб давомчиси Леонид Ильич Брежнев топширганлиги қувончимизга олам-олам нур ва файз бағишлади.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг Ватаннинг олий мукофоти билан тақдирланган муваффақиятлари — республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари фидокорона меҳнатининг натижасидир. Бу муваффақиятларга КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг, шахсан азиз Леонид Ильич Брежневнинг Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини равнақ топтириш тўғрисидаги қундалик ёрдами ва ғамхўрлиги туфайли эришилди. Республика меҳнаткашлари ўзларининг ҳамма ютуқларини КПССнинг доно ленинча сиёсати билан. Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар метиндек иттифоқининг мустаҳкам дўстлиги, ўзаро ёрдами билан, улуғ Ленининг ғалаба қозониш илми билан боғлиқ деб билмоқдалар. Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон меҳнаткашларининг меҳнат зафарларига, республика партия ташкилотининг фаолиятига берган юксак баҳо республиканинг ҳозирги байрамини тағин ҳам қувончли шодиёнага айлантирди. Бу баҳо кишини қувонтиради, аммо бўшаштирмайди. Ленин васиятларига садоқатли Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари эришилган муваффақиятларни тағин ҳам кўпайтиришга, бутун диққат-эътиборни мавжуд камчиликларни тезроқ тугатишга ва кўндаланг бўлиб турган проблемаларни ҳал этишга азму қарор берганлар.

Леонид Ильич Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширишга бағишланган тантанали мажлисдаги ёрқин, ленинча доно ва сафарбар этувчи нутқида бу камчиликлар ва проблемалар чуқур таҳлил этиб берилди. Шу оташин нутқдаги хулосалар ва тавсиялар — Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари учун олис истиқболга мўлжалланган жанговар ҳаракат программасидир, зотан, улар ҳам шу хулоса ва тавсияларни имкони борича тўлиқроқ, яхшироқ амалга ошириш, 1982 йилги план ва социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш ва шу тариқа Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқи билан тўлиб тошганлар.

Катта ва мураккаб иш қилиниши лозим. Бу ишни ҳаммамизнинг куч-ғайратларимиз билангина бажариш мумкин. Фикр ва ўйларимизнинг бирлиги, улуғ мақсад йўлида меҳнат ғайратимизни бирлаштириш — бизнинг куч-қудратимиздир, бизнинг ифтихоримиздир, кўп миллатли ССР Иттифоқи ва ундаги ҳар бир республика янада равнақ топиши йўлида келгусидаги ғалабаларимизнинг гаровидир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Сизларга — республика ишчиларига, колхозчиларига, зиёлиларига, халқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига, коммунистлари ва комсомолларига, барча меҳнаткашларига мурожаат этадилар: Ватаннинг фахрли мукофотига, азиз Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг мамлакат иқтисоди ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш соҳасида партия чизиб берган тарихий режаларни амалга оширишдаги ҳиссасига берган юксак баҳога зарбдор меҳнат билан, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш билан жавоб берайлик, янги-янги муваффақиятларга эришиб, Ватанни қувонтирайлик.

Ўзбекистон саноат ходимлари, шонли ишчилар синфи! Республика саноати ўн биринчи беш йилликни дадил бошлади. Сизларнинг қаҳрамонона куч-ғайратларингиз билан индустрия янада юқори погонага кўтарилди. Аммо ҳозир уни янада ривожлантириш, янги-янги резервларни қидириб топиб, улардан тўла-тўкис фойдаланишни талаб қилади. Ҳар бир киши ташаббускорлик билан виждонан, ижодий ишлайдиган бўлишига, меҳнат ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилишига, ўзига ва ўртоқларига нисбатан юксак талабчанлик кўрсатишига интилиш керак.

Биринчи галда бутун диққат-эътибор ишлаб чиқариш қувватларидан юксак унум билан фойдаланишга, фан-техника тараққиётини янада жадаллаштиришга, бригада пудратини, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг ташаббусларини кенг жорий этишга, қолоқларсиз ишлашга, меҳнат унумдорлигини, иш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини муттасил оширишга ҳаракат қилишга қаратилиши зарур. Аввало, пахта толасининг сифатини тубдан ошириш тадбирлари кўрилиши, тола ажратиб олиш оширилиши, пахтани қайта ишлаш пайтида нобудгарчилик камайтирилиши, толанинг пасайтирилган саноат навларига ўтишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Меҳнат, моддий, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, хўжасизликка ва исрофгарчиликка қарши сабот билан курашиш жуда муҳимдир. СССР халқларининг қардошлик оиласида, КПССнинг доно ленинча миллий сиёсати туфайли Совет Ўзбекистонида қудратли саноат потенциали вужудга келтирилди. Шу потенциалдан оқилона фойдаланиш, янги ишга туширилётган қувватларни тезроқ ўзлаштириш, асбоб-ускуналарнинг бекор туришини камайтириш, техникани, ҳар бир машина ва станокни эҳтиёт қилиб асраш керак. Партия эълон қилган интенсивлаш йўли ҳамма резервларни оборотга киритишни, ихтиёримиздаги қувватларнинг ҳаммасидан омилкорлик билан фойдаланишни талаб қилади.

Шонли Ўзбекистон бинокорлари ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йилида улар капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишлари, энг муҳим ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жой биноларини, мактабларни, болалар муассасалари ва медицина муассасаларини ишга туширишнинг юзасидан белгиланган давлат планини бажардилар. Оталиқ ёрдами тарзида ноқоратупроқ зонадаги совхозлар, Тюмендаги автомобиль йўлларини комплекс қуриш соҳасида катта иш қилинмоқда. БАМда уй-жой посёлкалари қурилишига тайёргарлик кўрила бошлади. Леонид Ильич Брежнев Тошкентда таъкидлаб ўтганидек, КПСС Марказий Комитети бу ишни юқори баҳоламоқда.

Бутун куч ва ресурсларни ишга туширилаётган ва энг муҳим қурилишларга марказлаштириш, шу асосда кўзда тутилган барча саноат, уй-жой ва маданий-маиший объектлар ишга туширилишини таъминлаш, чала қолган қурилишларни қисқартириш, капитал маблағ самарадорлигини анча ошириш—ҳозирги энг муҳим вазифадир.

Биз қаҳрамон қишлоқ меҳнаткашларимизни дала ва фермаларда янада сабот билан ишлашга, бутун куч ва маҳоратни тармоқни янада юксалтириш учун сарфлашга, озиқ-овқат программасини ҳал этишга ва мамлакат саноатини хом ашё билан, биринчи галда юқори сифатли «оқ олтин» билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга чақирамиз.

Шон-шуҳратли пахтакорлар, сизларга мурожаат этамиз. Пахта—совет халқининг шон-шарафи ва ифтиҳоридир. Бу юбилей йилида Ватан биздан камида 6 миллион тонна пахта кутмоқда. Мўл ҳосил учун курашда эрта ва юқори ҳосил олишнинг таъминлайдиган Тошкент технологиясини ҳамма жойда жорий этиш зарур. Ҳозир ҳар бир далани синчиклаб тайёрлаш ва энг яхши районлаштирилган нав чиғитларини энг қисқа муддатларда экиб олиш, чигитни бир текис ундириб олиш ва ғўзанинг намунали парвариш қилинишини таъминлаш керак.

Пахтачилик илғорларининг «СССР 60 йиллигига — 60 центнерли ҳосил!» деган шиори остида мурожаати чинакам ажойиб ташаббус бўлди. Азиз ўртоқлар, биз сизларни юбилей йили мусобақасини кенг қулоч ёздиришга, шу ҳаракат издошларининг сафларини кенгайтиришга чақирамиз. Леонид Ильич Брежневнинг пахта сифатини бутун чоралар билан ошириш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмалари бизни кун сайин ҳаракат қилишга ундайди. Эрта ҳосил етиштириш, уни ёғинсочин бошланмасдан йиғиб-териб олиш — ҳар бир пахтакорнинг, ҳар бир бригада, ҳар бир хўжаликнинг ҳозирги энг муҳим вазифасидир.

Озиқ-овқат программасини ҳал этишга республиканинг ҳиссасини янада кўпайтириш зарур. Ўзбекистон бу ишга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин, деди Леонид Ильич Тошкентда. Бу ишонч бизга янги куч бахш этади, янада зўр самарадорлик билан ишлашга руҳлантиради.

Бу йил камида уч миллион тонна дон, олти миллион тонна мева-сабзавот маҳсулоти етиштириш лозим. Биз барча ғаллакорларни гектар бошига 60—70 центнер шоли олиш учун мусобақани кенг авж олдиришга, 100 центнерли маккажўхори дони ҳосили учун курашишга чақирамиз. Биз комил ишонч билан айтамизки, республика мева-сабзавотчилари юбилей йилида гектар бошига камида 350—400 центнер сабзавот, 200 центнер қартошка ва полиз маҳсулотлари, 150—200 центнер мева ва узум оладилар, шу маҳсулотни умумиттифоқ фондига етказиб беришни кўпайтирадилар.

Чорвачиликни Леонид Ильич Брежнев қишлоқдаги зарбдор фронт деб атади. У республиканинг ана шу тармоғида ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлаганини уқтириб ўтди. Аммо эришилган натижа бизни қаноатлантирмайди. Биз мана шу зарбдор фронтнинг барча меҳнаткашларини резервлардан янада тўлиқроқ фойдаланишга, бу йил колхоз ва совхозларда 345 минг тонна гўшт, камида бир миллион тонна сут, бир миллиард донадан кўпроқ тухум етиштиришни таъминлашга чақирамиз. Бу эса ем-хашак базасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилишини талаб қилади. Ҳар гектар ердан 200—220 центнер беда пичани, 700—800 центнер силосбоп экинлар ҳосили, 1000 центнердан кўпроқ озуқабоп илдиз мева ҳосили олаётган илғор хўжаликларнинг тажрибасини кенг миқёсда оммалаштириш лозим.

Тайёрловчилар ва қайта ишлаш саноатининг ходимлари ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотини асраш ва ташишни яхшилаш учун, унинг сифатли қайта ишланиши учун тегишли чораларни кўришларига аминмиз.

Совет халқларининг қардошлик оиласида Ўзбекистон фани ва маданияти юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Зиёлиларимиз халқ хўжалиги соҳасидаги барча вазифаларни, шаҳар ва қишлоқдаги меҳнат коллективларини социал ва иқтисодий ривожлантириш комплекс программаларини ҳал этишда бундан буён ҳам гоят фаол қатнаша беришларига, Ўзбекистон халқ хўжалиги комплекси барча соҳалари меҳнаткашларининг маданий ва моддий даражасини янада оширишга кўмаклаша беришларига шак-шубҳа йўқ.

Халқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари! Партия, комсомол ва касаба союз ходимлари! Биз республиканинг ҳамма муваффақиятларини кадрларнинг ленинча иш услубини сабот билан ўрганишлари, партия режаларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун бошланган социалистик мусобақадаги юксак ватанпарварлик жўшқинлиги билан чамбарчас боғлиқ деб биламиз. Биз бу муваффақиятларни коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш билан, ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида уларнинг активлигини ривожлантириш билан, меҳнаткашларнинг ташаббуси, ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан чамбарчас боғлиқ деб биламиз. Бинобарин, биз шунга аминмизки, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари совет турмуш тарзининг норма ва принципларидан ҳар қандай чекинишларга қарши бундан буён ҳам қатъият билан курашаверадилар, меҳнат коллективларида соғлом маънавий-психологик иқлимни вужудга келтираверадилар, илғорларининг ташаббусини, уларнинг бой тажрибасини кенг миқёсда оммалаштираверадилар. Республика коммунистлари, халқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари, барча меҳнаткашлари коммунизм қурилиши умумхалқ ишига, ўн биринчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга доимо кўпроқ ҳисса қўшаверишни ўзларининг энг муҳим вазифаси деб билишлари керак.

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Леонид Ильич Брежневнинг Ленин ордени топшириш пайтида айтган, «Бугунги Ўзбекистонининг бутун бепоён мамлакатимиз иқтисодий ва маданий турмушига, совет халқлари дўстлигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси жуда катта» деган сўзлари гўзал республикамизда яшовчи ҳар бир кишининг дилига чуқур жо бўлди.

Бу ҳисса ҳар биримиз қилган ижодий меҳнатнинг якунидир, улуғ Советлар мамлакатининг, гўзал Ватанимиз барча ўғил ва қизларининг ажойиб келажаги йўлида ҳар бир киши қилган фидокорона меҳнатнинг натижасидир. Октябрь нури, улуғ Ленининг мангу барҳаёт ғоялари ёритиб турган шу келажакни ўз меҳнатимиз билан яқинлаштиришдан кўра ҳам олий шараф йўқ.

Комил ишонч билан айтамизки, серқуёш республикамизнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари жонажон Ленин партияси билан, мамлакатдаги барча қардош халқлар билан бир жонбир тан бўлиб, КПСС XXVI съезди ўртага қўйган вазифаларни, Леонид Ильич Брежневнинг мамлакат касаба союзлари XVII съездида, Тошкентдаги тантанали мажлисда берган кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини шараф билан муносиб равишда амалга оширадилар. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шонли юбилейини совет халқи бахт-саодати йўлида, порлоқ коммунистик идеалларнинг тантанаси йўлида янги меҳнат зафарлари билан кутиб оладилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети

ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА РАҲБАРЛИК

ХАЛҚ контроли группасига ташвишли сигнал тушди. Корхона меҳнаткашлари заводда вагонлар кўпинча бекор туриб қолаётганлиги тўғрисида хабар беришган эди. Назоратчилар партия контроли комиссияси билан ҳамкорликда шикоятни текшириб ҳамма фактлар тўғри эканлигини тасдиқладилар. Кейин бу масала завод партия комитетида муҳокама қилинди.

Партия комитети мажлисида аниқланган камчиликларга принципиал баҳо берилди. Уларни бартараф этиш юзасидан конкрет чоралар кўрилди. Жумладан, корхонада вагонлардаги юкларни ўз вақтида тушириб олиш ва маҳсулотларни юклаш бўйича масъул шахс тайинлаб қўйилди. Вагонлар бекор туриб қолмаслиги учун бошқа бир қатор чоралар ҳам амалга оширилганлиги тез орада юкларни ортиш ва туширишнинг ишидаги нуқсонларни бартараф этиш имконини берди.

Заводимиз партия ташкилоти жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилишда КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленумининг кўрсатмаларига қатъий амал қиляпти. Маълумки, коммунистик қурилишдаги мураккаб масалаларни ҳал этишда кишилар билан ишлаш, уларнинг жамоат ташкилотлари фаолиятида актив иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан партия комитети ва цех партия ташкилотлари корхонадаги жамоат ташкилотларининг ролини ва жанговарлигини оширишга, улар фаолиятини активлаштириш ҳамда оммага таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Жамоат ташкилотларига раҳбарлик масаласи тез-тез партия йиғилишларида кўриб турилади. Бу эса халқ контроли, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишини маълум мақсад сари йўналтиришга ёрдам беряпти. Кейинги йилларда халқ контролига партиявий раҳбарлик сезиларли даражада кучайганлиги натижасида назоратчиларнинг фаолияти янада таъсирчан бўляпти. Эндиликда корхонада халқ контроли группалари энг обрўли ташкилотлардан бири бўлиб қолган. Бу муҳим ишга ҳаммаси бўлиб 120 киши жалб этилган. Асосий группадан ташқари 6 та цех группаси ва постлар ҳам тежамкорлик, меҳнат самарадорлигини ўстириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш учун курашда актив қатнашяптилар. Ўтган йили халқ контроли бош группаси фаолияти икки марта партия комитети мажлисида муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши мунтазам назорат қилиб борилди.

Касаба союзлари коммунизм мактабидир. Партия комитети завод касаба союз комитетига раҳбарлик қилибгина қолмай унга амалий ёрдам ҳам кўрсатмоқда. Завод ва цех касаба союз комитетларининг кўпгина аъзолари коммунист эканлиги бу оммавий ташкилотнинг янада актив фаолият кўрсатишига хизмат қилмоқда. Касаба союз ташкилоти барча ишчиларни давлат планларини бажаришга сафарбар этиш, улар ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириш юзасидан диққатга сазовор тадбирларни кўрмоқда. Корхонамизда мусобақа таъсирчанлиги ва оқсоқаралигини таъминлаш, ишчилар учун унумли меҳнат қилиш шароитларини яратиб бериш борасида ҳайрли ишлар амалга ошириляпти.

Партия комитети ва цех партия бюролари мажлисида касаба союз раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб туриш яхши анъана бўлиб қолган. Ўтган йили биз цехлар, бўлимларда социалистик мусобақани ташкил этиш, унга раҳбарлик қилиш ва таъсирчанликни ошириш борасидаги масалаларни кўриб чиқдик. Бундан ташқари энг оммавий жамоат ташкилотининг фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам партия комитети диққат эътиборида турди.

Касаба союзларига раҳбарлик борасида амалга оширилган чора ва тадбирлар яхши натижа бермоқда. Эндиликда цех касаба союз ташкилотлари обрўли. Ўз ишига меҳр қўйган коммунист кадрлар билан мустаҳкамланди. Улар тасдиқланган план асосида иш олиб бормоқдалар. Социалистик мусобақа янада кенг қулоч ёйди. Прогулчилар, иш вақтини бекор йўқотиш ҳоллари кескин қисқарди. Бу — албатта, ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, келмоқда.

Коллективимиз ўтган йили социалистик мусобақани янада ривожлантириб план ва зиммага олган мажбуриятни шараф билан ado этди. Маҳсулот реализация қилиш плани ортиғи билан бажарилди. Кўплаб ишчилар ўн биринчи беш йиллигининг иккинчи йили планларини ҳам муддатидан анча илгари бажариш учун курашни авж олдириб юбордилар.

Корхона партия ташкилоти комсомолга ҳам доимо гамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Бизда корхона шуҳратига шуҳрат қўшаётган, кекса ишчилар анъанасини муносиб давом эттираётган илғор йигит-қизлар анчагина. Лекин яқин пайтларгача комсомол ташкилоти фаолияти бизни қониқтирмай келарди. Завод партия комитети бир неча бор амалий ёрдам берганлигига қарамай илгариги комсомол активлари мавжуд камчиликларни бартараф этишга эриша олмадилар. Биз зарур ташкилий чоралар кўришга мажбур бўлдик. Ўтган йилнинг охиларида партия комитети яна бир марта шу масалага қайтди. Кейинги ҳисобот-сайлов йиғилишида завод комсомол ёшлари сергайрат, ташкилотчи йигит-қизларни ўзларига раҳбар қилиб сайладилар.

Айтиш керакки, корхона комсомол комитетининг янги состави ишни ёмон бошламади. Комсомол ташкилотининг аниқ иш плани тузилди, бюро мажлислари, очиқ комсомол йиғилишлари мунтазам ўтказиб туриладиган бўлди.

Комсомол ташкилоти қандай ишлаётганлигини тўла тасаввур қилиш учун очиқ йиғилишларда муҳокамага қўйилган масалаларга бир назар ташлаш ўринлидир. Корхона ёшлари йиғилишларда тайёрланаётган маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш, «Комсомол прожектори» жанговарлигини таъминлаш масалаларини кўриб чиқдилар. Шунингдек, барча комсомол аъзолари аттестациядан ўтказилди. Аъзолик бадалларини тўлаш тартибга солинди. Комсомоллар жамоат ишларида актив қатнашмоқдалар.

Партия комитети комсомол ташкилоти фаолиятини қатъий назорат остига олган. Корхонамиз комсомол-ёшлари қўлга киритилган ютуқларга маҳлиё бўлмай, янада яхши ишлашга интилишлари лозим. Комсомол комитети партиясиз ёшлар билан ишлашни яхшилашлари, улар орасидан энг яхшиларини ВЛКСМ сафига қабул қилиш юзасидан кўпгина ишларни амалга оширишлари керак. Ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар аҳволи ҳам бизни ҳали қониқтирмайди. Ҳозир комсомол ташкилотининг диққат-эътибори ана шу камчиликларни бартараф этишга қаратилмоғи лозим.

Ўн биринчи беш йиллиқнинг иккинчи йилида «Ташхимсельмаш» заводи меҳнаткашлари олдида жуда катта вазифалар турибди. Ўтган йили биз ўз сўзимизнинг устидан чиқиб корхонамизнинг аввалги шуҳратини маълум даражада тиклашга эришдик. Энди қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлашимиз, КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли бажариш ҳамда СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш юзасидан анчагина ишлар қилишимиз лозим. Партия ташкилотимизнинг 1982 йилга мўлжалланган планида ҳам булар ўзининг тўла ифодасини топган. Шубҳа йўқки, корхонадаги барча жамоат ташкилотлари завод партия ташкилоти раҳбарлигида белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшадилар.

Л. СЕМЕНЮК,
«Ташхимсельмаш» заводи партия комитетининг секретари.

100 СОВЛИҚДАН 125 ҚЎЗИ ОЛИНАДИ

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ҚУЙЧИЛИК СОВХОЗИ ЧОРВАДОРЛАРИ ҚУЗИЛАТИШНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАМОҚДАЛАР

КАЛИНИН районидаги Охунбобоев номли қўйчилик совхози коллективи партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетининг IV Пленуми қарорларини бажара бориб, 1982 йил социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. 23 мартгача мавжуд совлиқлардан 17661 бош қўзи олиниб, бу соҳадаги йиллик план муддатидан илгари анча ортиғи билан ado этилди.

Жайдари зотли совлиқларнинг ҳар юз бошидан пландаги 95 ўрнига 104 тадан соғлом қўзи олинди. Совхоз отарларида қузилатиш қизғин давом этяпти.

Давлатга 275 тонна қўй гўшти топширилиб, ярим йиллик план муддатидан илгари ортиғи билан ado этилди. Гўштга топширилган ҳар бош қўйнинг ўртача тирик вазни 56 килограммданга тўғри келди.

Совхоз чорвадорлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Қузилатиш мавсуми 15 апрелгача якунланади, ҳар юз бош совлиқдан 125 тадан, жами 21136 бош қўзи олинади. Давлатга 540 тонна гўшт топшириш плани ярим йилдаёқ бажарилади. Йил охиригача эса, яна 200 тонна гўшт топширилади.

БАЙРОҚДОРДАН ТАЛАБ КАТТА

БУТУНИТТИФОҚ социалистик мусобақасида ғолиб деб топилганлар орасида корхонамизнинг ҳам бор-лиги коллективимизнинг барча аъзоларини қувонтирди юборди. Бу хушхабар тарқалган кун бирлашмамизда чинакам байрам кайфияти ҳукмрон бўлди.

Меҳнат йили якунланар экан, ҳар бир совет кишиси қилинган ишларини эсламаслиги мумкин эмас. Халқлар Дўстлиги ордени нишондори бўлмиш корхонамиз меҳнаткашлари эса шонли съездлар йили якунларини тўла қониқиш билан эслашга ҳақлидирлар. 1981 йил топшириқлари ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичлари бўйича знёдаси билан ado этилди. Маҳсулот реализацияси плани 105,2 процентни ташкил этди.

Бирлашма завод ва цехлари ўзаро социалистик мусобақа асосида иш юритиши натижасида гўшт маҳсулотлари тайёрлаш салмоғи ортди. Маҳсулотларнинг асосий қисми юқори сортларга топширилди. Бу ютуқларда Тошкент гўшт-ёғ заводи, Олмалиқ гўшт комбинати, Янгийўл эксперементал колбаса заводи коллективларининг муносиб ҳиссаси бор.

Биргина Тошкент гўшт-ёғ заводида йил давомида планга қўшимча равишда 1350 тонна гўшт маҳсулотлари тайёрланди. Ялпи маҳсулот таннархи 215 минг сўмга арзонлашди, 85 минг сўм соф фойда олинди. Олмалиқликларнинг тежамкорлик борасидаги ютуқларини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Комбинат меҳнаткашлари ялпи маҳсулот тайёрлаш планини ошириш билан бирга 246 тонна гўшт ресурсларининг тежалишига эришдилар. Бундан ташқари 132 тонна гўшт чиқиндиларидан қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиладиган ем ва озуқалар тайёрланди.

Ана шундай ютуқлар ҳақида гап кетар экан, мусобақада юқори натижаларга эришибгина қолмай, бошқаларни ҳам ўзига эргаштирган ишчиларимиз номини ҳурмат билан тилга оламиз. Тошкент

БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

гўшт-ёғ заводидан Т. Сализянов, Ш. Икромов, И. Абдураҳимов, Й. Эргашев, Олмалиқ гўшт комбинатидан Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Г. Адамов, III даражали Меҳнат Шуҳрат ордени кавалери Р. Сунагатова, С. Иброҳимова, Бекобод гўшт комбинатидан Т. Хўжаев, А. Азимовлар шулар жумласидандир. Бирлашма ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юксалишида ана шу етакчи коллективлар, пешқадам ишчиларнинг ҳиссаси катта.

Коллективлар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақа шартларида тежамкорлик масаласига алоҳида ўрин ажратилди. Ёқилғи, энергетика ресурсларидан рационал фойдаланиш туфайли ўтган йиллнинг ўзида 565 гигокаллорий иссиқлик энергияси ҳамда 170 минг киловатт-соат электр-энергияси тежаб қолинди. Бундан ташқари, келгусида ишлаб чиқариш салмоғини янада ошириш имконини берадиган янги техника ва прогрессив технология тадбирлари амалга оширилди.

Келгусида илғорликни қўлдан бермасликка қарор қилган коллективимиз эришилган муваффақиятлар билан кифояланмоқчи эмас. Қолаверса, байроқдорлардан талаб ҳам катта бўлади. Бирлашмамиз коллективи буни жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам юбилей йилида бир маромда иш юритиш дастлабки самарасини берди. Ўтган икки ой натижаларига кўра маҳсулот реализацияси плани 102,8 процент бажарилди. Пландан ташқари 1 миллион 150 минг сўмлик гўшт маҳсулотлари реализация қилинди. Ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши 4,5 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги плани 102,2 процентга етди.

Айни кунларда бирлашмамизнинг барча ишлаб чиқариш участкаларида «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида ўтказилаётган меҳнат эстафетаси тобора авж олмоқда. Барча бригада, цех ва корхона коллективлари байроқдорларга хос кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Бу эса СССР халқлари қардош оиласининг 60 йиллик тўйи меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олинишидан далолат беради.

Х. ЮЛДОШЕВ,
Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент гўшт ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

ТОШКЕНТ-ЖИЗЗАХ-ИВАНОВО

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТМОҚДА

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1982 ЙИЛ ЯНВАРЬ — ФЕВРАЛИДАГИ АСОСИЙ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

	Тошкент	Жиззах	Иваново
САНОАТ			
Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	103,3	107,7	98,8
Реализация планининг бажарилиш процанти	101,4	101,9	101,3
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик	14,5	1,1	14,8
Маҳсулот реализацияси планини бажармаган корхоналар сони	7	3	59
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	1,7	6,1	26,4
Саноат-ишлаб чиқариш ҳодимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	101,0	104,7	98,3
Меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиш процанти	101,5	109,7	104,0
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	102,3	102,8	100,4
Меҳнат унумдорлиги планини бажармаган корхоналар сони	49	2	93
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	11,7	4,1	31,7
Барча турдаги калава ишлаб чиқариш — минг тонна	2,7	—	51,6
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш процанти	93,9	—	92,1
Барча турдаги газлама ишлаб чиқариш — миллион погон метр	33,7	—	345,5
Газлама ишлаб чиқариш планининг бажарилиш процанти	96,8	—	92,3
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ			
Барча категориядаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш планининг бажарилиш процанти, қўшимча харид қилинганлари ҳам ҳисобга киради:			
Чорва ва парранда	85	95,7	64
Сут	72	71,9	49
Тухум	80	86,1	62
1982 йилнинг январь-февралида колхозлар ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорва маҳсулдорлигининг ортиши — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан процент ҳисобида:			
Тирик вазнда асосий чорва ва парранда турларини сўйиш учун реализация қилиш	113,8	111	96
Жами соғиб олинган сут	105,2	110	98
Товуқ тухуми етиштириш	111,4	112	97
Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган сут миқдори	102,1	103	97
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори	103,6	96	97
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ			
Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилгани (процент ҳисобида):			
Капитал маблағ ўзлаштириш планининг бажарилиши	99,0	100,0	71
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши	100,7	100,5	75
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш — йиллик планга нисбатан	14	10	10
САВДО			
Давлат ва кооператив савдоси товар оборoти планининг бажарилиш процанти, умумий овқатланиш ҳам ҳисобига киради	101,0	101,3	97,7
Шу жумладан, чакана тармоқ товар оборoти	100,9	101,5	97,7
Умумий овқатланиш товар оборoти	101,6	99,5	95,5
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ			
Умуман маиший хизмат ҳажми планининг бажарилиши — процент ҳисобида	100,4	104,0	95
Шу жумладан, шаҳарларда	100,2	110,0	97
Қишлоқларда	101,1	102,0	86

▲ УЗБИТХИМПЛАСТ ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент сунъий ва юрувчи воситалар заводида янги автомат линия ишга туширилди. Бу линия маҳсулотни қадоқлаш ва идишларга жойлаш вазифасини бажаради. Энди қадоқлаш цехида йилига 15 минг тонна маҳсулот тайёр ланади. Суратда: янги автомат линия.

Р. Нуриддинов фотоси. (ЎзТАГ).

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

МУСТАҲКАМ ЛЕНИНЧА НЕГИЗДА

Совет Иттифоқининг сиёсати — тинчликни мустаҳкамлаш ва тинчлик душманларига қатъий зарба бериш сиёсати, тинч ҳамкорликни истаётган барча мамлакатлар билан шундай ҳамкорлик қилиш сиёсатидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми раиси Л. И. Брежневнинг Тошкентда сўзлаган нутқи тўғрисида чет элларда билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг асосий мазмуни ана шундай. Оммавий ахборот воситалари, таниқли жамоат арбоблари ва сиёсий арбоблар шуни таъкидламоқдаларки, совет раҳбарининг Осиёда вазиятни нормаллаштиришга қаратилган конкрет ташаббуслари, шунингдек СССРнинг Л. И. Брежнев ҳқинда касаба союзларининг XVII съезди да таърифлаб берган таклифлари Совет Иттифоқи тинчлик юришининг таркибий қисми, КПССнинг ленинча тинчликсевар принципларига содиқ эканлигининг ёрқин далилидир.

Совет Иттифоқининг янги ташаббуслари СССРнинг тинчликка интилишидан иборат холис ниятидан, унинг инсоният тақдири учун масъулиятни юксак даражада ҳис этаётганлигидан яна бир бор далолат беради, деб ёзади Вьетнамда чиқадиган «Нян Зан» газетаси. Совет тинчлик таклифлари бутун дунёда кенг қўламда маъқуллаб кутиб олинди. Планетамиздаги кишилар Москва холис ниятда эканлигини кўрсатиб, бутун дунёда тинчлик учун кураш йўлида тинимсиз куч-ғайрат сарфлаётганлигини, Вашингтондан эса қуролланиш пойгасини авж олдиришга ва янги-янги террорчилик ҳуружларига даъватлар эшитилаётганлигини тобора равшан англамоқдалар.

Болгариянинг «Работническо дело» газетаси Л. И. Брежнев нутқини ақл идрок ва сулҳпарварлик овози, деб атайди. Мазкур нутқда баён этиб берилган анализ, хулосалар ва баҳолар уни совет ташқи сиёсатининг янги, юксак даражадаги ҳужжатига айлантиради.

«Совет Иттифоқи атом дўқ-пўписаси сиёсатига тинчлик сиёсатини қарама-қарши қилиб қўймоқда», — Польша да чиқадиган «Трибуна люду» газетаси Л. И. Брежнев нутқидан шундай хулоса чиқаради. Газета агрессив империализм кучлари жаҳон тарихининг боришини тўхтатиб қўйишга, социализмнинг ривожига ҳалақит беришга уриниб, дунёдаги вазиятни кескинлаштириб юбордилар, деб таъкидлайди. Улар қуролланиш пойгасини мисли-сиз даражада авж олдирмоқдалар, бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ишларига сурбетларча аралашмоқдалар, уларга ўз хоҳиш-иродаларини мажбуран ўтказишга уринмоқдалар. Мана шундай шароитда СССР ва унинг социалистик иттифоқчиларининг сабот-матонати ва вазминлиги, уларнинг изчил тинчликсеварлик сиёсати барча халқларнинг кўз ўнгида уруш оловини ёқувчилар йўлидаги энг катта тўсиқ бўлиб, ер юзида тинчликнинг асосий таянчи сифатида намоён бўлмоқда.

Япония газеталари Л. И. Брежневнинг Тошкентда сўзлаган нутқи баёнини: «Узоқ Шарқда ишонч тадбирларини мустаҳкамлаш тўғрисида Япония — Совет музокараларига даъват», «Совет Иттифоқи Совет-Хитой муносабатларини яхшилашга тайёр эканлигини изҳор этмоқда», «Узоқ Шарқда тинчлик юриши», — деган сарлавҳалар остида эълон қилди. Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи Япония билан яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва ўзаро ишончга асосланган мустаҳкам муносабатларда бўлишга интилаётганлигини таъкидлади, деб ёзади «Майнити» газетаси. — Айни вақтда совет раҳбари иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик етарлича кенг эмаслигига эътиборни жалб қилди».

«Нью-Йорк таймс» газетаси Л. И. Брежневнинг СССР «Икки Хитой концепцияси» деб аталган концепцияни ҳеч қачон қўллаб-қувватлаган эмас ва ҳеч қандай формада қўллаб-қувватламайди, ХХРнинг Тайвань оролига бўлган суверенитетини тан олиб келган ва тан олади, деган гапларини «ниҳоятда муҳим» гаплар деб баҳолайди.

«Совет раҳбари Хитойга ўзаро мақбул бир қанча тадбирларни таклиф этди, бу тадбирлар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш имконини берган бўлур эди», — деб таъкидлайди Ғарбий Германиянинг «Франкфуртер альгемайне» газетаси. (ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ БЕРЛИН. ГДР кончилари шу йил бошидан буён юксак суръатлар билан ишлаб келмоқдалар. Масалан, республикада кўмир қазиб олиш марказий — Котбус округи конларининг коллективлари йил бошидан буён планга қўшимча ярим миллион тонна кўмир қазиб чиқардилар.

Округ кончилари ўтган йили кўмир запасларини барқарор қазишини таъминлаб, маҳаллий иссиқлик электростанцияларининг узлуксиз ишлаши учун мустаҳкам негиз яратдилар. Булар орасида Еншвальдеда Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан қурилаётган иссиқлик электростанцияси бўлиб, унда қуввати 500 мегаватт бўлган иккинчи энергоагрегатни ишга туширишга тайёргарлик ниҳоясига етмоқда.

◆ МАНАГУА. Бразилия, Гренада, Коста-Рика, Никарагуа, Панама, Перу, Эквадор ва бошқа мамлакатлардаги 34 та касаба союз бирлашмалари БМТ ва Америка давлатлари ташкилоти номига коллективмактуб йўллаб, унда Қўшма Штатларнинг Никарагуа, Гренадага ва Сальвадорга қарши тайёрлаётган қуролли агрессиясининг олдини олиш учун қатъий тадбирлар қабул қилинишини талаб этдилар.

◆ ТОКИО, Таниқли япон журналисти Кацуити Хонданинг бу ерда чиққан «Кампучияга саёҳат» китоби полпотчи тўдалар Кампучиядаги Пекин кўғирчоқларининг мамлакат аҳолисини кириб юборишдан иборат халққа зид, вахшиёна сиёсатини фош этади.

Китоб автори Кампучияда узоқ вақт бўлиб, мамлакатда полпотчи каллакесарларнинг қонли жиноятлари тўғрисидаги материаллар, гувоҳномалар ва ҳужжатларни тўплади.

Полпотчи тўдаларнинг бутун халққа нисбатан олиб борган геноциднинг рад этиб бўлмайдиган фактлари китобга асос қилиб олинган.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Заир пойтахти — Киншасадан хабар беришича, бу ерда 120 кишидан иборат революция халқ ҳаракати ҳукмрон партияси Марказий Комитетининг 11 аъзоси ана шу рахбар органдан чиқариб юборилган. Булар орасида давлат маблағларини ўғирлашда, шунингдек «тартибсизликда» айбланган кишилар бор. (ТАСС).

ГВАТЕМАЛАДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Сешанба куни ўнг ҳарбийлар давлат тўнтариши қилган Гватемала пойтахтида кимсасиз кўчаларда соқчилик қилиб юрган қуролли солдатларни, чорраҳаларда танклар ва бронемашиналарни кўрасиз.

Генерал Э. Риос Монтт бошчилигидаги ҳарбий хунта конституциянинг амалда бўлишини бекор қилди, барча сиёсий партияларнинг фаолиятини тақиқлади, конгрессни тарқатиб юборди. Хунта бошлиғи армия Гватемаладаги қўзғолончилар ҳаранатини йўқотиш учун ҳамма кучни сарфлайди, деди ва ўз ватанининг озодлиги учун курраш олиб бораётган ватанпарварлардан қуролни дарҳол ташлашни талаб қилди.

Кузатувчиларнинг фикрича Гватемаладаги ҳарбий исён Вашингтоннинг рухсати билан қилинган. «Нью-Йорк таймс» газетаси Америка расмий вакиллари тайёрланаётган тўнтариш тўғрисида аллақачон огоҳлантирилган эдилар, деб очиқдан-очиқ таъкидлайди. Генерал Э. Риос Монтт бу фактни ҳарчанд рад этишга уринмоқда. Айни маҳалда у «Қўшма Штатлар билан яхши муносабатларда бўлиш ва АҚШнинг ҳарбий ёрдамини олиш»га умид билдирди. Хунта бошлиғи тез орада президент Рейган билан алоқа ўрнатиш умидида эканлигини айтди.

БАНГЛАДЕШДАГИ ВАЗИЯТ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Бангладешда бўлган ҳарбий тўнтаришдан сўнг умуман осойишталик ҳукм сурмоқда. Ҳиндистон информация агентликларининг хабарларига кўра, Даккада магазинлар, шаҳар транспорти ишламоқда. Пойтахт аэропорти нормал ишламоқда. Шу билан бирга ҳарбий маъмурларнинг фармойишига биноан комендантлик соати амалда бўлиб, ҳукумат муассасалари, банклар ёпилган. Бош кўчаларнинг чорраҳаларида қўшинлар соқчилик қилмоқда. Ташқи дунё билан телефон ва телекс алоқаси тикланмаган. Ҳарбий маъмурият ҳар қандай сиёсий фаолиятни тақиқлаб қўйди. Ҳарбий ҳолат қонунларини бузганлик, митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказганлик учун узоқ муддат турмага ташланади.

ГФР, Германия Коммунистик партиясининг сафлари тобора кенгайиб бормоқда. СУРАТДА: Рур областидаги Ботроп шаҳрида партия активлари билан ўтказилган анъанавий учрашув пайти. ГКП раиси Г. Мис Германия Компартияси янги аъзоларига партия билетларини топширмоқда.

А. ГРИГОРЬЕВ фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЧОРВАДОР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИ ЧОРВАЧИЛИК СОВЕТИНИНГ МАХСУС ГАЗЕТАСИ № 3

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК

СОРГО ВА СУДАН ГИБРИДИ

ХЎЖАЛИГИМИЗДА озуқа экинлари 779 гектарни ёки ҳайдаладиган жами майдоннинг 19 процентини ташкил этади. Асосий озуқа майдонларига беда, қолганларига дон ва кўкпоя учун маккажўхори ҳамда илдизмевали озуқа турлари экилади.

Кейинги йилларда озуқа экинлари турини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор бериладиган бўлди. Масалан, ўтган йили Константин Ким бошқарётган бригадада ўн гектар ерга тажриба учун сорго ва судан экинларини чатиштириш йўли билан олинган гибрид экилди. Натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди. Янги озуқа тури йил давомида тўрт марта ўрилиб, гектар ҳисобига ўртача 815 центнердан кўк масса олинди.

Янги озуқани молларга едириб, натижасини атрофлича таҳлил этган зоотехникларимиз бу экин майдонини янада кенгайтириш фойдали эканлигини таъкидладилар. Чунки, моллар бу озуқани иштаҳа билан чиқармай, тўла истеъмол қилиб, уларнинг бир кеча-кундузда берадиган сути сезиларли даражада кўпайди.

Сорго-судан гибридининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, уни йил давомида бир неча марта ўриб олиш мумкин. Яхши ишлов берилса, бу экин жуда тез ўсиб ривожланади.

Гибрид озуқани биз асосан яхши текисланган, сув билан тўла таъминланган пахта майдонлари ва бошқа алмашлаб экиш системасига киритилган ерларга экамиз. Ерни экишга тайёрлаш учун камида 30 сантиметр чуқурликда ҳайдалиб, гектар ҳисобига 25—30 тоннадан гўнг ва 90—110 тоннадан фосфорли ўғит солинади. Баҳорда эса тупроқ юзаси яна бир марта текисланиб, йирик кесаклар майдаланади. Бу ишни имкони борича барвақт, яъни механизмлар далага чиқа оладиган пайтда бажариш лозим бўлади. Чунки бу экин дастлабки 30—35 кун давомида жуда суст ривожланади.

Иссиқсевар ўсимлик бўлгани учун уни тупроқнинг 10 сантиметр чуқурликдаги ҳарорати 14—15 градусга етмагунча экиб бўлмайди. Бизнинг хўжалигимиз шароитида бу муддат 5—10 апрелга тўғри келади.

Сорго-судан гибридини экиш ва унга ишлов бериш технологияси ҳам ўзига хос бўлиб, катта маҳорат талаб этади. Масалан, биз гибрид уруғини канор экиладиган сеялка ёрдамида қатор орасини 45 сантиметр қилиб экамиз. Уруғ унуб чиқиб, қаторлар кўзга ташланганч, биринчи культивация бошланади. Аммо, бу пайтгача экин майдони бегона ўтлардан тоза бўлиши керак.

Ўтган йили бутун вегетация давомида жами тўрт марта культивация ўтказдик. Ҳар бир ўримдан сўнг гектар ҳисобига 34—40 килограммдан азотли ва 20—25 килограммдан фосфорли ўғитлар билан озиқлантирдик. Шунингдек, беш-олти марта қондириб суғорилди. Бунда гектар ҳисобига 1000—2200 кубометр сув сарфланди.

Биз экинни попук чиқара бошлаган пайтда ўришга киришамиз. Шунда унинг озуқавий қиммати тўла сақланади. Ўримда КИР-1,5 комбайнларидан фойдаланамиз.

Бу йил сорго-судан гибриди экиладиган майдонлар янада кенгайтирилади. Чунки, янги озуқа экинининг самараси конкрет факт ва рақамларда акс этиб турипти. Рационий шу озуқа тури билан бойитилган бўрдоқиларнинг бир кеча-кундузда семириши тезлашиб, сигирларнинг сути кўпайиб бормоқда.

А. ПАК,
Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг бош агрономи.

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

ОЗУҚА МЎЛ БЎЛСИН

Молга берсанг соз емиш — боқар сени ёз-қиш, дейди халқимиз. Бунинг маъноси катта. Ҳар бир хўжаликда мустаҳкам ем-ҳашак базаси яратилган бўлиши лозим. Бунинг учун ерлардан унумли фойдаланиш, маккажўхори, ҳашаки лавлаги ва беда сингари экинлар ҳосилдорлигини кескин ошириш чоралари кўрилиши керак.

Бу соҳада кейинги йилларда областимизда катта тадбирлар амалга оширилди. Коммунистик районидаги «Политотдел», Янгийўл районидаги «Коммунизм», Бекобод районидаги Ленин номли, Ўрта Чирчиқ раойнидаги Терешкова номли колхозлар, Калинин районидаги «Назарбек» совхози, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозларда, айниқса, катта тажриба тўпланди. Ана шу сингари хўжаликлар ва илғор районлар чорва моллари озуқа рационини бойитиш ҳисобига концентрат озуқалар миқдорини камайтиришга муваффақ бўлмоқдалар. Ўз хўжаликларида мавжуд чорвани бутун йил бўйи ширали ва тўйимли озуқа билан таъминлаш имкониятини берадиган тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Бироқ, кўпгина хўжаликларда ердан яхши фойдаланилмаётганлиги, агротехника қоидалари бузилаётганлиги туфайли ем-ҳашак экинлари ҳосилдорлиги камайиб кетаётир. Масалан, Тошкент районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги», Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхоз, Коммунистик районидаги Усмон Юсупов номли ва Охунбобоев номли совхозларда ҳар гектаридан 125—70 центнер дан беда пичани олинмоқда ҳолос.

Ҳозир ем-ҳашак етиштиришда долзарб кунлар бошланди. Ҳар бир хўжаликда мақкажўхори экишни сифатли тугаллаш зарур. Кейинги йилларда оралиқ экинларини экишга катта эътибор берилаётир. Айни кунларда бу экинлар парваришини ниҳоясига етказиш, мўл ҳосил олиш тадбирларини амалга ошириш керак.

Бу йил зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун мўл-кўл ва сифатли ем-ҳашак жамғариш учун айни кунларда замин яратайлик.

2-бет.

«ЕМ—ХАШАК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ—ЧОРВАЧИЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАДИР. ШУ САБАБЛИ ҲОЗИРГИ БЕШ ЙИЛЛИК КЎП ЖИҲАТДАН ЕМ—ХАШАК БЕШ ЙИЛЛИГИ БЎЛИБ ҚОЛИШИ ЗАРУР». *Л. И. БРЕЖНЕВ.*

ФЕРМА ЖОНКУЯРЛАРИ

▲ Суратларда: Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» экспериментал базаси илғор чорвадорлари (юқоридан пастга): бузоқбоқар А. Айтанбетова ва модбоқар Т. Уролов ўртоқлар. Улар ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланиб, бузоқларнинг соғлом ўсиши, моллариннг серсут, сергўшт бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

А. Абалян фотолари.

ХУШХЎР, ТЎЙИМЛИ

Молларнинг оғзи кўкка теккунча, мавжуд озуқадан тежамкорлик билан фойдаланиш, уинг тўйимлилигини оширишда карбомиднинг роли катта. У озуқа таркибида етишмайдиган протеин ўрнини босади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бир килограмм карбомид 2,6 килограмм протеин ёки 20—25 килограмм омухта ем қувватини беради.

Бироқ, уни соф ҳолда молларга бериб бўлмайди. Углеводли озуқаларга, айниқса, силосга қўшиб бериш яхши наф келтиради. Бир тонна силосга беш килограмм карбомид қўшиб, С-12 аралаштирувчи бугловчи агрегатда бир соатда учтўрт тонна хушхўр озуқа тайёрлаш мумкин.

Агар С-12 агрегати йўқ бўлса, КИР-1,5. КУФ-1,8 ёки сомон ва силосни майдалайдиган РСС-6,0 механизмларидан фойдаланиш мумкин. Силос ва сомон карбомид суюқлиги билан бир текис намланиб, кавш қайтарувчи мол ва қўйларга берилади. Бир кеза кундузда сигирларга бериладиган карбомид миқдори 100 граммдан, олти ойликдан катта бўлмаган бузоқларга 50 граммдан, бўрдоқиларга 80 граммдан, совлиқларга 15 граммдан, олти ойликдан катта бўлган қўй-қўзиларга 10 граммдан ошмаслиги керак.

Арпа, буғдой, сули сомонларини кальцийлаштирилган ёки каустик сода,

МУТАХАССИС ТАВСИЯСИ

оҳак ёки кислотада гидролиз қилиш йўли билан тўйимлилигини икки баравар ошириш мумкин. Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозида бу иш яхши йўлга қўйилган. С-12 агрегати бункерига бир тонна майдаланган сомон, ҳамда 90 килограмм сўндирилган оҳак аталасидан тайёрланган бир тонна суюқлик насос орқали солиниб, икки-уч соат давомида буғланади. Сўнгра унга 150 килограмм беда уни, 100 килограмм омухта ем, 4 килограмм карбомид, 5 килограмм ош тузи ва микроэлементлар қўшилади.

Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхозда сомон трактор прицепларининг ўзида буғланади. Масалан, ИГК-30 агрегатида майдаланаётган сомон прицепга тушади. Бир киши унга оҳак аралашмаси ва туз сепиб туради. Прицеп тўлгач, қозонхона ёнига келтирилади ва устн брезент билан ёпилиб, шланга орқали буғ юборилади. Уч соатдан сўнг қуруқ сомон сифатли ҳашак ҳолига келади.

Агар хўжаликда буғ қозони йўқ бўлса, химикатлар билан намланган сомонни 20—30 соат давомида сақлаб, тўйимлилиги ва хушхўрлигини ошириш мумкин.

А. РАЖАБОВ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти механизация лабораторияси мудири.

СУТГА СУТ ҚЎШИЛДИ

«Чорвадор» газетасининг биринчи сонида Янгийўл районида Калинин номли колхоз фермасида янги озуқа цехи ишга туширилганлиги ҳақида хабар қилинган эди. Орадан ўтган вақт ичида озуқа цехи қандай самаралар берди!

ФЕРМАДА намунали тартиб ўрнатмай, молларни асраш ва боқиш шароитини яхшиламай туриб, маҳсулот етиштиришни мунтазам кўпайтириб боришга эришиб бўлмасди.

Шунинг учун ҳам фермамизни тубдан қайта қуришга киришдик. Бу соҳада бизга оталиқ ташкилот — Янгийўл биохимия заводи коллективи катта ёрдам берди. Эндиликда фермамиз қиёфаси бутунлай ўзгарди. Кенг, ёруғ иссиқ хоналарда моллар яйрайдиган бўлди. Озуқа тарқатиш, молхона ва бузоқхоналарни тозалаш ишлари тўла механизациялаштирилди.

Қорамоллар сони 590 бошдан 700 бошга етди. Сигирлар сони 40 бошга кўпайди.

Илгари дағал озуқа жамғариш, силос ва сенаж бостириш планлари ортиғи билан бажарилса-да, қайта ишланмай моллларга берилиши оқибатида самараси кутилгандек бўлмасди. Ҳозир эса аҳвол бутунлай бошқача. Ҳар куни молларга 8 тонна сифатли майдаланган ва бўғлаб, тўйимлилиги оширилган озуқа аралашмаси берила бошланди. Бунинг натижаси тўрт беш кун ичидаёқ яққол кўзга ташланди. Масалан, 5 март куни ферма бўйича жами 1805 литр, 10 март куни 1890 литр, 18 март куни эса 1960 литр сут соғиб олинди.

Бугуни кунда фермамизда бир кеча-кундузда 2 минг литрдан ошириб сут соғиб олинмоқда. Саломат Муллабоева, Нортожи Усмонова, Шарофат Саидова сингари тажрибали сут соғувчиларимиз эса ўз боқимларидаги соғин сигирларнинг кунлик маҳсулдорлигини 12—15 килограммга етказмоқдалар.

Чорвадорларимиз бу марра ҳам сўнгги чоғара эмаслигини таъкидламоқдалар. Озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш, янги қурилган цехда уларни қайта ишлаш имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш йўли билан моллар маҳсулодорлигини янада ошириш бизнинг навбатдаги вазифамиздир.

А. ЮСУПОВ,
ферма бош зоотехниги.

3-бет.

ПЕРКОЗОРДА

▲ ПЕРКО, рапс, жавдар сингари оралиқ экинлар суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, чорва рационини тўйимли озуқа билан бойитиш имконятини бермоқда.

Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхозда ҳам ўтган йили кўкпоя учун экилган маккажўхоридан бўшаган олти гектар майдонга перко экиб қўйилган эди. Ҳозирги кунда бу экин гуркираб ўсмоқда. Далалар кўм-кўк, яшнаб турипти. Учинчи сув бериб бўлинди. Апрель ойнинг ўрталарига бориб чорва молларига кўк ҳолида ўриб берилади. Суратда: колхоз партия ташкилотининг секретари Н. Лутфуллаев (чапдан) ва бригадир Р. Пўлатов ўртоқлар перкозорда.

ТАЖРИБАКОРЛАР МИНБАРИ

ҲАМ ДОН, ҲАМ КЎК ПОЯ

БРИГАДАМИЗ маккажўхори етиштиришга ихтисослашган. 1981 йилда 60 гектар ердан 110 центнердан маккажўхори донн ва 600 центнердан кўкпоя олинди. Бу йил гектаридан 120 центнердан «каҳрабо дон», 650 центнердан кўкпоя етиштиришга қарор қилдик.

Мўл ҳосил етиштириш учун шудгорлашдан олдин ҳар гектарга 30—40 тоннадан маҳаллий ўғит солиб, иккинчи озиқлантиришда аммофос билан биргаликда 150—200 килограммдан калий ўғити берилади.

Маккажўхорига об-ҳавога қараб ҳосил етилгунча 8—9 марта сув берамиз. Иккинчи ва тўртинчи суғоришда маҳаллий ўғитни шарбат усулида оқизамиз.

Мўл ҳосил етиштиришда культивациянинг аҳамияти катта. Дон учун экилган маккажўхори оралигидан бу иш 4—5 марта ўтказилади. Дастлабки ишлов экин майсалари 2—3 тадан чинбарг чиқарганда 4—5 сантиметр ҳимоя зонаси қолдирилиб, 9—10 сантиметр чуқурликда ўтказилади. Иккинчи культивацияни 18—20 сантиметр чуқурликда ўтказамиз. Сўнгги бор ишлов берилганда эса культивациянинг чуқурлиги 28—30 сантиметрни ташкил этади.

Маккажўхоридан мўл дон ва кўкпоя олаётганлигимиз чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Т. АРИСЛОНОВ,
Калинин районидаги «Назарбек» совхози комсомол-ёшлар маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи.

Ем-ҳашак етиштиришни кўпайтиришда ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш катта резервдир. Шунинг учун колхозимизда тўрт йилдан бери полиз пуштасида ҳашаки лавлаги етиштириб келинмоқда.

Биз хашаки лавлагини экишга киришдик. Бунда лавлаги сеялкада қатор оралари 90 сантиметр қилиб 3—4 сантиметр чуқурликка, 1 гектар ерга 20—22 килограмм уруғлик сарфлаб экиладн. Сеялкада тўрт қаторга лавлаги экилгач, кейнинги тўрт қаторнинг жойи бўш қолдирилади. Бу тўрт қатор ўртасидан ариқ олинади ва икки томонига апрель ойнинг охирларида тарвуз экамиз.

Лавлаги униб чиққач, қатор ораларига ишлов беришни бошлаб, тарвуз палаклари лавлаги экилган қаторларга етгунча давом эттирамиз. Бу давргача лавлаги 2—3 марта культивация қилинади, озиқлантирилади ва суғориладн. Июнь ойларидан бошлаб лавлагини ягана қилишга киришиб, ортиқча тупларини чорва молларига едирамиз.

Август ойида тарвуз йиғиштириб олинади. Шундан кейин лавлаги парваришни кучайтирилади. Қатор оралари юмшатилади, экин озиқлантириб, суғорилади. Ҳашаки лавлагининг эрта экилиши, ягана қилиниши, тез-тез ишлов бериб, озиқлантирилиши ҳосилнинг мўл бўлишини таъминлайди.

Ўтган йили колхозимизда 10 гектар ерга полиз пуштасига лавлаги экилган эди. Бу ернинг ҳар гектаридан пландаги 260 центнер ўрнига 278 центнердан тарвуз ҳамда 1100 центнердан ҳашаки лавлаги олинди. Шу туфайли фақат колхозимиз чорва молларини ширали озуқа билан тўла таъминлабгина қолмай, қўшни хўжаликларга ҳам минг тоннадан кўпроқ лавлаги сотдик. Бу йил ҳам 10 гектар ерда полиз пуштасида лавлаги етиштирамиз. Хўжалигимизда, шунингдек, хашаки лавлагини маккажўхори, бедани судан ўти билан қўшиб экиш, оралиқ кузги жавдар ўрнида дон учун маккажўхори етиштириш тажрибалари ҳам қўлланилмоқда. Шу туфайли чорва моллари етарли миқдорда тўйимли озуқа билан таъминланяпти. Бу эса чорва маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилаётир.

ПОЛИЗ ПУШТАСИДА ЛАВЛАГИ

П. ТЕШАБОЕВ,
Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз емхашак бригадасининг бошлиғи.

4-бет.

КАСАЛИ ЯШИРСАНГ...

ЧОРВАДОР ўғил-қизларим, неваралари беданинг аҳамияти тўғрисида сизларга маслаҳат беришим ортиқча. Буни ҳаммангиз яхши биласизлар. Мен кўпгина фермаларни айланиб, илғор чорвадорларнинг ишлари билан таништим. Уларда моллларга берилаётган озиқ-овқат рационида беда пичани, беда уни борлигини, шу туфайли ҳам маҳсулдорлик ортаётганлигини кўриб қувондим. Бу илғор хўжаликларнинг бедазорлари яшнаб турипти.

Лекин, кошки эди ҳамма ерда ҳам шундай бўлса. Коммунистик районидаги Усмон Юсупов номли, Охунбобоев номли совхозларнинг бедачиликдаги натижалари мени ранжитди. Ўтган йили У. Юсупов номли совхозда ҳар гектардан бор-йўғи 70 центнердан беда пичани олинди. Илғор хўжаликлар бундай ҳосилни бир ўримдаёқ олишапти-ку!

Далаварзин чўлларида дур ундириб, пахтачиликда донг таратаётган «Ленинград» совхози деҳқонларининг бедачиликдаги ишларига қойил қолмадим.

Тошкент районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхози, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида ҳам суғориладиган ерлардаги беда пичанининг баракаси бўлмаяпти: 122—125 центнер...

Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхоз берган маълумотларнинг магзини чақиш анча қийин. Бу хўжаликда 730 бош сигирнинг 330 таси сут берадиган эмиш. План бўйича биринчи кварталда 241,5 тонна сут етиштирилиши керак эди. Агар бу план 730 бош сигир ҳисобидан белгиланган бўлса, ҳар бир сигир кунига 4 килограммдан, 330 бошга чаққанда кунига 8 килограммдан ошириб сут бериши керак. Хўш, буларнинг қайси бири асосий кўрсаткич бўлди?!

Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Сигирлар рационида беданинг салмоғи кам бўлиб қолаётганга ўхшайди. Нега десангиз, совхозда 200 гектарлик олачалпак бедазорлардан атиги 117 центнердан пичан ҳосили олинаптн.

Маза қилиб қаймоқ ейишни, сут ичишни биласиз... Шундай экан бедазорларга муносабатни ўзгартиринг! Гапнинг пўс келласи шу!..

Чўпон ота келтирган маълумотларни оққа кўчирувчи А. ИУЛДОШЕВ.

КОМИССИЯ АЪЗОСИ: бедазорингиз шу бўлса, моллариингизнинг аҳволи қандай экан?!

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

▲ Шоналаш пайтида беданинг бир килограммида 53—58 грамм, гуллаган вақтида 28 грамм протеин бўлади. Шунинг учун беданн шоналаш пайтида ўриш чорва молларнга оқсилга бой озуқа жамғариш гаровидир.

▲ Сигирлар маҳсулдорлигини ошириш улар томонидан озуқанинг ҳазм қилинишига бевосита боғлиқдир. Илмий тадқиқотлар озуқанинг ҳазм қилинишини яхшилаш учун рациондаги емхашак миқдоридаги 1 грамм протеинга 1 грамм қанд моддаси тўғри келиши кераклигини кўрсатади. Бунга хўжаликларда қанд моддаларига бой ҳашаки лавлаги ва судан ўти майдонларини кенгайтириш билан эришиш мумкин.

▲ Иилига 4 минг килограмм сут берадиган, 500 килограмм тош босадиган сигирлар тирик вазнининг ҳар 100 килограммига кунига уларга бериладиган емхашакда 2,5 килограмм миқдорида қуруқ модда (пичан, омухта ем) тўғри келиши лозим. Рацион тузилаётганда бу ҳисобга олиниши даркор.

▲ Чорва моллари маҳсулдорлигини оширишда кальций ва фосфор моддалари нисбатини тўғри белгилаш муҳимдир. 1 озуқа бирлигига 12 грамм кальций ва 7 грамм фосфор тўғри келиши керак. Озуқада бу моддалар етарли бўлмаса, чорва молларига қўшимча равишда кальций ва фосфорга бой минераллар бериш фойдалидир.

▲ Оқсилга энг бой озуқа — соядир. Унинг таркибида 40—45 процентгача протеин бўлади. Соянн мақкажўхори билан қўшиб экиш ҳам мўл, ҳам сероқсил озуқа етиштириш имконини беради.

▲ 1000 дона беда уруғи ўртача 1,5—2 граммга тенгдир. Олимлар тавсиясига кўра ҳар гектар ерга 16 килограмм беда уруғи сарфланса, унинг 40 процентн униб чиққан тақдирда ҳам ўртача 3 миллион туп кўчат бўлади.

„ЧОРВАДОР" МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«СИГИРЛАР ҲАСРАТИ»

ГАЗЕТАНИНГ шу йил 27 февраль сонидаги ана шу сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозда асосий куч пахтачиликка сафарбар этилиб, чорвачиликка яхши эътибор берилмаётганлиги танқид қилинган эди. Айниқса, ургочи моллардан насл олиш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида кўплаб ёш бузоқларнинг нобуд бўлаётгани, озуқа экинлари ҳосилдорлигининг пастлиги, озуқа турларини ҳисоб-китоб қилишда чалкашликлар мавжудлиги, ферма территориясининг тартибсизлиги, молхоналарнинг етишмаслиги қаттиқ қораланган эди.

Колхоз правленнеси, партия ва касаба союз ташкилотлари шу танқидий мақола юзасидан редакцияга жавоб хати йўллади. Унда таъкидланишича, мақола хўжалик чорвадорлари ўнғайлишида муҳокама этилган.

Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти хўжалик мутахассислари билан биргаликда танқидий мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширишга киришган. Жумладан, фермага шу йилнинг иккинчи кварталн учун етарли миқдорда омухта ем келтирилган. Эски бедапояларга ишлов бериш ва озиқлантириш, янги бедапоя барпо этиш, шунингдек бедага судан ўти қўшиб экиш ишлари бошлаб юборилди.

Ферма территориясини тартибга келтириш ва ободонлаштириш, 200 бош сигирга мўлжалланган янги молхона қуриш юзасидан «Ташмелиноводстрой» оталиқ ташкилоти, 6-қурилиш трестининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси ҳамда Ўрта Чирчиқ район хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна коллективлари билан конкрет тадбирлар белгиланди.

Шу йилнинг ўтган январь-февраль ойларида сигир ва гунажиндардан 54 бош, яъни ўтган йилнинг шу даврида-гидан беш бош кўп бузоқ олинди, улардан бирортасининг ҳам нобуд бўлишига йўл қўйилмади. Умуман 1982 йилда ҳар юз бош сигирдан камида 90 та соғлом бузоқ олиш чоралари кўрилмоқда.

Фермада колхоз правленнеси, партия ва касаба союз ташкилотлари аъзолари ҳамда мутахассисларнинг мунтазам навбатчилик қилишлари йўлга қўйилди.

Жамоатчи редколлегия: Ш. А. АКМАЛХОЖОВ (редактор), И. В. АЖИНОВ, А. В. АПАНАСЕНКО, А. Е. БАКИРОВ, Т. Г. ГОТИН, Б. В. ЖЕРДЕВ, М. ИСОҚОВА, Н. РИХСИЕВ (масъул секретарь), В. ШАБАЛИН.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ ҲАММА УЧУН

СПАРТАКИАДА СОВРИНДОРЛАРИ

ДИНАМОЧИ ЖУМАНОВ

Абубакир Ереван шаҳридан бир олам қувонч билан қайтиб келди. Ўтган йили Новокузнецк шаҳрида рўёбга чиқмаган мақсадига мана энди эришди. Ушанда финалда имкониятни бой бериб, иккинчи ўринни эгаллаган эди.

Бу сафар эса биринчи бўлди. Финалда ереванлик Арзуманянни очколар бўйича мағлуб этди. Ёшлар ўртасида СССР чемпиони деган юксак номни қўлга киритиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Абубакир Жуманов Оржоникидзе районидаги А. Матқобулов номли мактабда ўқиб юрган кезларида Тошкентдаги 11-болалар спорт мактабига қатнай бошлади. Тажрибали тренер Абдуҳалил Абдувалиевдан самбо кураши сирларини қунт билан ўрганди.

Республика XVIII спартакиадасида у ғолиб бўлиб, биринчи марта йирик ғалаба нашидасини сурди. Шундан сўнг яна икки марта республика чемпиони бўлди. Ўтган йили Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида эса фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, СССР спорт мастери нормативини бажарди.

«Динамо» кўнгилли спорт жамияти Тошкент область Советининг инструктори А. Жуманов якинда Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган Узбекистон XIX спартакиадаси программасидаги самбо кураши мусобақаларида областимиз спорт шарафини ҳимоя қилиб, команда жамғармасига муҳим очколар қўшди.

— Абубакирдан умидимиз катта, — дейди тренер А. Абдувалиев. — Ёш, дадил ва тиришқоқ бу йигит ҳали катта мусобақаларда иштирок этиб, мухлисларини мамнун қилади.

Бу йил 18 баҳорни қаршилаётган СССР спорт мастери, Абубакир Жумановнинг катта спорт йўли энди бошланмоқда. У ўз йўлидан қўлаб болаларни ва ўсмирларни эргаштираётганлиги, айниқса, қувончлидир.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

▲ ЯНГИЙЎЛДА эркаклар ўртасида чим устида хоккей мусобақалари қизғин тус олган. Узбекистон XIX спартакиадаси программасидаги бу мусобақаларда республикамизнинг кучли командалари иштирок этишмоқда. Суратда: мусобақа пайтида.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ фотоси. [ЎзТАГ].

ҚУЙИ КОЛЛЕКТИВЛАРДА

«ОҚҚЎРҒОН» ШУҲРАТИ

Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозида физкультура ва спорт ишларига катта эътибор берилаяпти. Инд сайини хўжаликда разрядли спортчилар сони ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида совхоз ишчи-хизматчилари орасидан икки СССР спорт мастерлигига номзод, 22 биринчи разрядли, 182 оммавий разрядли спортчи етишиб чиқди. 170 киши эса ГТО қўтқуваши нишондори бўлди.

— Совхозимизнинг барча бўлимларида ишчи-хизматчиларнинг мунтазам физкультура ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди хўжаликнинг спорт ишлари бўйича инструктори А. Османов.— Ҳозир олти бўлимнинг ҳаммасида волейбол ва баскетбол майдонлари бор. Шулардан бештасида эса футбол майдони мавжуд. Спорт зали ва мерганлик тири ҳам ҳам ишлаб турибди.

Бу спорт базаларидан самарали фойдаланилаётганлиги диққатга сазовордир. Ўтган йили ўтказилган район мусобақаларида хўжалик ишчи-хизматчилари спортнинг етти тури бўйича чемпионликни қўлга киритишди. Хозиргача ўтган мусобақаларда эса улар спортнинг олти тури бўйича ғолиблар каторида боришмоқда. Бу ютуқларга, албатта, спортчиларнинг хўжаликда ишлаётган футбол, волейбол, баскетбол, эркин ва классик кураш, стол теннниси, оғир атлетика, шахматшашка секцияларида олаётган сабоклари кўл келмоқда. Бу секцияларга совхознинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган Н. Сайдалиев, А Травин, Н. Бойлиев, М. Наватов, Г. Димурин, А. Амирхонов ва А. Абдураҳимов каби кўплаб жамоатчи тренерлар раҳбардирлар.

Қ. КАРИМОВ.

«ПАХТАКОР» ВА «СОҲИБКОР» ЎЙИНЛАРИ

АПРЕЛЬ

3. «Пахтакор» — «Шахтёр».

6. «Пахтакор» — «Кубань».

18. «Днепр» — «Пахтакор».

22. «Металлист» — «Пахтакор».

26. «Пахтакор» — «Нефтчи».

●

3. «Навбаҳор» — «Соҳибкор».

10. «Соҳибкор» — «Нефтяник».

13. «Соҳибкор» — «Шаҳрихончи».

20. «Зарафшон» — «Соҳибкор».

25. «Хоразм» — «Соҳибкор».

30. «Соҳибкор» — «Олой».

СПАРТАКИАДА ТАБЛОСИ

Узбекистон XIX спартакиадаси программасидаги самбо, оғир атлетика, қиличбозлик ва эркаклар ўртасидаги волейбол мусобақаларидан сўнг командалар қуйидагича очко ега:

Тошкент шаҳри	637
Тошкент области	539
Фарғона	430
Самарқанд	423
Андижон	309
Бухоро	142
Хоразм	141
Сурхондарё	128
Наманган	126
Сирдарё	124
ҚҚАССР	90
Қашқадарё	76
Жиззах	65

ЯХШИ КАЙФИЯТ, УНУМЛИ МЕҲНАТ

Фараз қилинг, корхонадасиз. Кун бўйи ўтириб, маълум бир жараённи бажармоқдасиз. Бир хиллик сизни толиқтиради. Оёқларингиз ҳаракатсиз туравериб, чарчайди. Қўлларингизнинг ҳаракати эса борган сари сустлашади. Ана шундай пайтда ўрнингиздан шахт туриб, қўл ва оёқларингизни ёзиб, у ёқдан бу ёққа юргингиз келади.

Ана шундай толиқишнинг олдини олиш мақсадида корхоналарда жорий қилинаётган ишлаб чиқариш гимнастикаси яхши самара бераётир. Унинг меҳнат унумдорлигига ижобий таъсири бугунги кунда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Тошкентдаги «Миконд» заводининг 5-цехига кириб борганимизда, репродуктордан яхши кайфият бағишловчи музика янграётган эди.

— Ишлаб чиқариш гимнастикасининг бошланиш вақтида етиб келдик.— деди ҳамроҳимиз, завод физкультура комитетя ранси Леонид Балин. Ишчилар ўринларидан туришди. Столлар оралиғидаги йўлаклар зум ўтмай оппоқ ҳалат кийиб, бирдай тизилган ишчи хотин-қизлар билан тўлди. Музика тугаб, репродуктордан овоз эшитилди.

— Диққат қилинг, ишлаб чиқариш гимнастикасини бошлаймиз. Одатдагидек машқларни жойда туриб юришдан бошлаймиз...

Ишчилар машқларни астойдил чин кўнгилдан бажарадилар. Бу машқларнинг фойдаси фақатгина меҳнат унумдорлигида кўринмайди, у ишчиларнинг саломатлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шифокорларнинг ҳисоб-китобларига қараганда кейинги йиллар ичида корхонада касб касаллиги анча камайди.

Заводда ишлаб чиқариш гимнастикаси жорий этилганлигига 10 йилдан ошди. Ҳар куни бўлимларда соат 11 дан, цехларда эса соат 13 дан бошлаб гимнастика машқлари ўтказилади. 112 жамоатчи инструктор шу ишга жалб этилган. 11-цех ишчиси И. Иброҳимов, 1-цехдан В. Горячев, 5-цех ишчиси Д. Алимовалар бир неча йилдан буён бу вазифага сидқидилдан муносабатда бўлишяпти.

Гимнастика машғулотлари корхонада бажарилаётган иш жараёнига мувофиқ программалаштирилган. Эркин Нурмуҳамедов бошлиқ алоқа узели ходимлари методист Анна Трубова билан ҳамкорликда машқларни ҳар бир бўлим, ҳар бир цех ишига мослайдилар. Ҳар бир янги машқлар программаси бир-икки ҳафта давомида бажарилади.

Корхонада ҳар йили ишлаб чиқариш гимнастикаси бўйича кўрик-конкурс ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Ғолиб бўлим ё цехнинг озодалиги, машқларнинг бажарилиш сифати, ишчиларнинг саломатлиги ва меҳнат унумдорлигига қараб аниқланади. Бу шартларни аъло даражада бажарган коллективлар пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Завод иктисодчиларининг ҳисоб-китобига қараганда ишлаб чиқариш гимнастикаси жорий қилингандан сўнг меҳнат унумдорлиги ўрта ҳисобда 4,6 процентга ошди. Шунинг учун ҳам завод директорининг ўринбосари В. И. Иванов раислигидаги ишлаб чиқариш гимнастикаси бўйича махсус методик кенгаш ишини янада такомиллаштиришга ҳаракат қилиняпти.

Ҳ. ВАФОЕВА.

БУГУН—ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

САҲНА САНЪАТИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

ХАЛҚАРО театр куннни бутун ер юзидаги театр санъати намояндалари йигирма йилдан буён ҳар йили нишонлаб келадилар. Бу кун фақат театр намояндалари бирдамлигининг намойиши бўлибгина қолмай, кўп миллионли томошабинларнинг ҳам байрами ҳисобланади. Анъанавий театр куни ҳар йили бир шиор остида ўтади. Бу йилги байрам «Театр — халқлар ўртасидаги бир-бирини тушуниш ва тинчликни мустаҳкамлаш воситаси» шиори остида нишонланмоқда.

Улуг Октябрь социалистик революциясидан сўнг миллий маданиятлар ривожланиши учун катта имкониятлар очилди, жойларда янги миллий театрлар пайдо бўла бошлади.

Совет театрлари ҳозирги кунда ўз санъатларини 47 тилда намойиш этмоқдалар. Миллий театрлар ҳамма иттифоқдош республика ва автоном республикаларда, автоном область ва округларда мавжуддир. Бир сўз билан айтганда, театр санъати бугунги кунда бутун совет халқи ҳаётининг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолди.

Совет театр санъати намояндалари ўз драматургларимизнинг асарлари билан бирга чет эл классиклари саҳна асарлари устида ишлаш борасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Совет санъаткорлари Б. Брехт ва В. Шекспир каби буюк драматургларнинг пьесаларини ҳам катта маҳорат билан саҳнага қўйдилар.

Бугунги кунда драматургларимиз томошабинлар учун ҳар йили турли мавзуларда қизиқарли саҳна асарлари ёзиб беряптиларки, бу ҳол театрларнинг ҳар бир янги мавсум репертуарида ўз ифодасини топмоқда. Бундай асарлар борган сари Иттифоқ бўйлаб театр афишаларидан салмоқли ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда ҳеч бир театр йўқки, унда миллий драматургнинг пьесаси қўйилмаган бўлсин.

СССР халқлари драматургларининг асарлари кўпгина Бутуниоссия миқёсида ҳар уч йилда Ленинградда. Бутуниттифоқ миқёсида эса Москвада ўтказиб келинмоқда. Шу йил май ойида Ленинградда, декабрь ойида эса Москвада навбатдаги якунловчи кўриклар ўтказилади.

Бундан бир неча йил муқаддам ана шундай кўрикда голиб чиққан, ҳозирда Бутуниттифоқ саҳнасида намойиш қилинаётган белорус Андрей Макаенокнинг «Трибунал», «Зада бўлган пайғамбар», «Тил остидаги дорм», озарбайжон Р. Ибрагимбековнинг «Ўз йўлида», «Йўлбарса ўхшаган», «Кўк эшик орқасидаги аёл», «Калифорниядаги дафн», грузин Н. Думбадзенинг «Мен, бувим, Илико ва Илларион», «Оқ байроқлар», «Абадият қонуни», бошқирд драматурги А. Абдуллининг «Ўн учинчи ранс» каби чуқур психологик, замонавий, сиёсий-бадиий юксак асарларни томошабинларнинг чексиз олқишига сазовор бўлмоқда.

Ҳозирда эса шунга ўхшаш ўнлаб талантли драматургларнинг пьесалари мамлакатимизнинг рус ва миллий театр саҳналарида қўйилмоқда ва қардош халқлар тилларига таржима қилинмоқда. Совет Иттифоқининг кўп миллатли театри ҳозирги кунда тобора ривож топмоқда. Биз XXI халқаро театр кунини СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида нишонлар эканмиз, республикамиз театр коллективлари юксак ғоявий-бадиий саҳна асарлари билан халқимизни янги меҳнат зафарларига руҳлантиради, деган умиддамиз.

Р. ОРИПОВ,
Узбекистон Театр жамияти правленеиси президиумининг масъул секретари.

Максим Горький номидаги Тошкент Давлат академик рус драма театри коллективи буюк пролетар адиби М. Горькийнинг «Уч қимса» асарини саҳналаштириб, мухлислари эътиборига ҳавола қилди.

Суратда: ана шу спектаклдан кўринишлар.

С. МАҲКАМОВ фотолари.

КОЛХОЗДА УЧРАШУВ

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтида муваффақият билан ўтаётган Венгрия, Чехословакия, Болгария, Вьетнам, Руминия, ГДР, Польша, Монголия, Югославия ва Совет Иттифоқи эстрада санъати усталарининг халқаро музика фестивали бирбиридан мазмунли ва ҳаяжонли учрашувларга бой бўлмоқда. Санъаткорлар СССР халқлари дўстлиги саройида концерт намойиш қилиш билан бир қаторда, Узбекистон шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб сафарга чиқмоқдалар, халқимиз ҳаётги, тарихий ёдгорликлар билан яқиндан танишмоқдалар. Завод ва фабрикаларга, колхоз ва совхозларга ташриф буюришиб, ишчи, колхозчи ва зиёлиларга ўзларининг дилрабо қўшиқ ва рақсларидан жамланган концерт программаларини намойиш этмоқдалар.

Шундай учрашувлардан бири Ўрта Чирчиқ районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ким Пен Хва номли колхозда бўлиб ўтди. Хўжалик меҳнаткашлари социалистик мамлакатлар эстрада санъати усталарини қизғин кутиб олдилар.

Санъаткорларга колхоз ранси А. Е. Тё хўжаликнинг шонли тарихи, унинг ишлаб чиқариш структураси, меҳнаткашлар турмуши, колхоз шуҳратини ошираётган донгдор кишилар ҳақида сўзлаб берди.

— Колхозимизда, — деди А. Тё, — пахта, каноп, шоли, сабзавот ва чорвачиликдан олинадиган маҳсулотлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 5800 тонна пахта ҳосили йиғиштириб олган эдик. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига эса жами 6700 тонна «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олдик. Айни кунларда хўжаликда барча техника воситалари экиш кампаниясига шай бўлиб турибди. Колхозимиз аҳолиси 9 миллат вакилларидан иборат. Улар бир оиланинг фарзандларидек аҳил ва фаровон турмуш кечирмоқдалар.

Сўнгра меҳмонлар колхоз боғчаси билан танишдилар. Колхоз посёлкасининг диққатга сазовор жойларини, шу жумладан правление ҳовлисида ўрнатилган колхознинг собиқ ранси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва бюстини кўздан кечирдилар.

Кечқурун колхознинг маданият уйи санъат ихлосмандлари билан гавжум бўлди. «Дўстлик тароналари» халқаро музика фестивалининг бир гуруҳ қатнашчилари — рус халқ қўшиқлари қизлар ансамбли, таниқли ўзбек қўшиқчиси М. Тошматов, монголиялик Л. Оюнчимег, польшалик А. Шаевский, ГДРлик Дитер ва Роми Шмиттерлар, В. Шуберт, украиналик Н. Костенко, вьетнамлик Ха Тхи Айван ва Майн Ха, болгариялик Х. Кидиков, кубалик М. Медина кабилар иштирокидаги тинчлик ва дўстлик, Ватан ва меҳнат, муҳаббат ва садоқатни тараннум этувчи кўшик ва рақсларни колхозчилар қизғин кутиб олдилар.

Интернационал дўстликнинг ёркин намойишига айланган бу учрашув қатнашчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Г. РУСТАМОВ.

ТОШКЕНТДА «ДЎСТЛАРИМИЗ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУЗИКА САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЖАЖЖИ ҚАЛБЛАР НАФОСАТИ

Кеча болалар учун Бутуниттифоқ музика ҳафталиги ҳамда анъанавий республика «Санъат байрами» конкурси қатнашчилари программа асосида ўз чиқишларини намойиш этдилар. Пойтахтдаги 27-болалар музика мактабида «Шундай қўшиқча бўлган экан», «Эртак ва музика» даврадари бўлиб ўтди. ТошДУ массивида жойлашган 29-ўрта мактабда эса «Симфоник оркестр асбоблари», Чилонзор районидаги 8-болалар музика мактабида «Ойимнинг байрамлари» мавзуида концертлар ва концерт-лекциялар ташкил этилди.

Шунингдек, Тошкентдаги қатор музика ва ўрта музика мактабларида «Бахтли болалигимиз учун партияга минг раҳмат», «Кенжатойлар — кичкинтойларга», «Петр Ильич Чайковскийнинг болаликдаги альбоми», «Александр Пушкин ва музика» сингари концерт-суҳбатлар ўтказилди.

Бу тадбирлардан ташқари шу куни болалар «Санъат байрами-82» голиблари билан учрашдилар.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

27 МАРТ СОАТ 19.00 ДА

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Олимжон ОРИФЖОНОВ

СОЛИСТЛАР: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Тоштемир ТОҲИРОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Мастура ФАЗЛИДДИНОВА, Гулнора ОДИЛОВА, Фотима БАРАТОВА, Гўзал БАРАТОВА ва бошқалар.

Сатира, юмор ва интермедия ижрочиси Абдуфаттоҳ САИДОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон ҲАИТОВА.

Телевидение

27 МАРТ, ШАНБА

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40— АБВГДейка. 10.10 — С. Прокофьевнинг «Петя ва бўри» симфоник эртаги. 10.50 — Ота-оналар, сизлар учун. КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони комбайнчи Н. В. Переверзева билан суҳбат. 11.20 — Спортлотонинг 13-тиражи. 11.25 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.55 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. Грузия ССР халқ рассоми И. Тоите туғилган кунинг 80 йиллигига. 12.20 — Сизни қизиқтирган адабиётлар. 13.05— Цирк майдонида. 13.40 — Концерт. 14.00 — «Московские новости» газетасининг соврини учун спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар. 14.55 — Дунё воқеалари. 15.10 — Том Сойернинг сарғузашти. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.20 —Мўъжизасиз жўъжизалар. 17.20 — О. Фельцман. Испан сюжетлари. 17.40 — Сиёсий шарҳловчи суҳбати. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — 9-студия. 19.30 — Бонгли соат учун куй. Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05—Халқаро театр куни. 23.20 — Оқшом тароналари.

МТ-II. Туркманистон ССР телевидениесининг программаси.

УзТВ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Назм ва наво. А. Навоий лирикаси 11.35 — Митти қоҳоқ. Бадиий фильм. 12.50 — Оналар мактаби. 13.20 — Т. Минуллин. Ой бўлмаса юлдуз бор. Телеспектакль. 1-қисм. 15.00 — Кинопублицист экрани. 17.00 — Дўстлик экрани. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 18.00 — «Юлдузча». 18.30 — Дўстлар аренаси. Цирк программаси. 19.00 — Бахтли болалик нотолари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Баҳс. Ёшлар учун аҳлоқий-этик мавзуда кўрсатув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30—Время. 22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Олтин тупроқ. Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа.

28 МАРТ, ЯКШАНБА

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40— Будильник. 10.25 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.25 — Здоровье. 12.10 — «Тонгги почта». 12.40 — Совет Иттифоқи чет эл классиклар нигоҳида. 12.55 — Қишлоқ янгиликлари. 13.55 — Музикали киоск. 14.25 — «Московские новости» газетаси соврини учун спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар. 15.00 — Том Сойернинг сарғузашти. Телевизион бадиий фильм. 2—3-серия. 17.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.15—Баҳор қўшиқлари. Мультфильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Хатларингиз асосида. Музикали программа. 19.50 —Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, композитор Т. Н. Хренников ижодий кечаси. 23.05 — Футбол шарҳи.

МТ-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.20 — Ҳужжатли фильм. 10.20—Карнялар учун эрмак. Бадиий фильм. 11.35— «Московские новости» газетаси соврини учун спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақалар. 12.10 — Бу фантастик олам. Мактаб ўқувчилари учун адабий викторина. 13.25 — Концерт. 13.55 — Ҳайвонот оламида. 14.55 — Кураш билан 60 йил. Ҳужжатли фильм. 15.55 — Анна Томова — Синтова, Франко Боннисолли ва Тео Адам куйлайди. 16.35 — Ғолиблар. Фронтдош дўстлар клуби. 17.45 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.15 — Строговлар. Кўп серияли бадиий фильм. 7-серия. 19.20— Бизнинг биография. 12-фильм. 20.30 — Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Жальгирис»—«Динамо»(Москва). 21.20 — Композитор В. Гаврилин қўшиқлари. 21.30 — Время. 22.05 — Эски деворлар. Бадиий фильм.

УзТВ-I. 18.05 — Мультфильм. 18.10 — Китоб—бизнинг дўстимиз. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Кино оламида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига 60 центнер. 22.25 — Жавоҳирлар маликасига ҳужум. Бадиий фильм.

29 МАРТ ДУШАНБА

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40— Мўъжизасиз-мўъжизалар. 10.40 — Болалар учун фильм. 12.00 — Концерт. 12.30 — Кўзгу олдида. 13.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.30—Ёш техниклар учун кўрсатув. 16.15 — Оналар мактаби. 16.45 — Спорт гимнастикаси бўйича «Московские новости» газетасининг соврини учун Халқаро мусобақалар. 18.05 — Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, «Россия» поезднинг бригадири П. И. Коростилёв билан учрашуви. 18.45 — Стаднон ҳамма учун. 19.15 — Халқ куйлари. 19.30—«КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!». 20.00 — Концерт. 20.20 — Фильм-спектакль премьераси. 21.30 — Время. 22.00— Фильм-спектаклнинг давоми. 23.15—Дунё воқеалари. 23.30 — Илмий оммабоп фильм.

УзТВ-I. 18.10 — Қўғирчоқ фильм. 18.25 — Комсомолдан ўрнак ол. 19.00 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси. 19.55 — Рассом Рўзи Чориев. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Бугун оламда нима гап? 22.15 — Ўзбекистон комсомолининг XXII съезди олдидан. 23.40 — Янгиликлар.

УзТВ-II. 18.30 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — Телевизион фильм. 20.00 — Янгиликлар 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Олий математика. 21.30 — МТ-II.

Тошкент область ижроия комитетининг юстиция бўлими ва область халқ судлари коллективлари юстиция бўлими бошлиғи М. А. Аҳмаджоновга укази

Одилжон АҲМАДЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг республика телевидениеси коллективи план-гонорар группасининг экономисти Д. Аҳмедова онаси

Ровза РАҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БИЗНИНГ АДРЕС 700000. Тошкент П. ЛЕНИН кўчаси 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337915, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048; 325354 партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиет ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02864. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1572. 14